# Депутат А. А. ГРЕЧКО докладининг охири

(Боши 1-бетда).

навий, руҳий фазилатларни шакллантиришни тақозо этади. Шунингдек, бу ҳол ёшларни Армия ва Флотдаги ҳарбий хизматга тайёрлаш соҳасидаги бутун ишни такомиллаштиришни кўзда тутади.

ССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги янги қонуни мамлакат мудофаа қобилиятини янада оширишга, СССР Қуролли Кучларини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Бу қонуннинг лойиҳаси ушбу сессия муҳокамасига ҳавола қилинган.

Ҳозир амалда бўлган қонунга Қуролли Кучларни қуришнинг ленинча принциплари негиз қилиб олинган бўлиб, бу принциплар давр синовидан муваффақиятли ўтди, ўзининг кучи ва ҳаётийлигини намойиш қилди.

Бироқ, юқорида айтиб ўтилганидек, ўтган 28 йил мобайнида катта воқеалар, зўр ўзгаришлар рўй берди. Халқимизга инсоният бошига тушган энг оғир урушлардан бири бўлган Улуғ Ватан урушини олиб боришга тўғри келди. Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари бу урушда жаҳоншумул-тарихий ғалабага эришди.

Европада фашистларнинг кучи, шунингдек япон милитаризми тормор қилинганлиги жаҳондаги воқеаларнинг бутун боришига, социализм билан капитализм ўртасидаги кучларнинг нисбатига жуда катта таъсир ўтказди.

Улуғ Ватан уруши арафасида Совет Иттифоқи бирдан-бир социалистик давлат эди ва унинг Қуролли Кучлари социализм ғалабаларини ҳақиқатда якка-ёлғиз ҳимоя қилган эди.

Ҳозир аҳвол батамом ўзгариб кетди. Урушдан кейинги йилларда жаҳон социализм системаси вужудга келди ва мустаҳкамланди. Қардош социализм мамлакатлари ўртасида барча соҳаларда, жумладан ҳарбий соҳада яқин ҳамкорлик ўрнатилди.

Империалистлар агрессив НАТО блокини тузганлигига жавобан 1955 йил майида Варшава шартномаси имзоланди. Бу шартнома социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари хавфсизлигини таъминлаш, Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Муштарак мақсадлар, вазифалар ва тарихий тақдир негизида Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар армиялари ўртасида дўстона муносабатлар вужудга келди. Эндиликда Совет Иттифоқи ва унинг Қуролли Кучларигина эмас, шу билан бирга қардош социалистик мамлакатлар ва уларнинг армиялари ҳам империалистларнинг бирлашган кучларига қарама-қарши бўлиб турибди.

Бу ҳол ўз навбатида бизнинг давлатимиз ва унинг армияси олдига интернационал характердаги янги вазифаларни қўйди.

Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида ҳозир амалда бўлган қонун қабул қилингандан кейин мамлакатимизнинг ичкарисида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабасига эришилди. Социализм ва коммунизм қуриш жараёнида ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг иттифоқи мустаҳкамланди. СССР халқларининг дўстлиги мустаҳкамланди. Коммунистик партиянинг Совет жамиятидаги раҳбарлик роли тағин ҳам юксалди.

Совет давлатининг экономикаси беқиёс ўсди. Ватан куч-қудрати ва равнақининг негизи бўлмиш совет индустрияси олға томон жуда илгарилаб кетди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта-катта муваффақиятларга эришилди. Фан ва техника ғоят ривож топди.

Масалан бу йил Совет Иттифоқи саноати урушдан аввалги 1940 йилдагига қараганда беш ярим баравардан зиёд кўп пўлат, тўққиз баравардан зиёд кўп нефть ва ўн икки ярим бараварга яқин кўп электр энергияси ишлаб чиқаради. Бунда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, урушдан кейинги йилларда ҳозирги замон индустрияси, фан ва техникасининг мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган тармоқлари: энергетика, металлургия, электроника, машинасозлик ва приборсозлик, химия саноати ва бошқа тармоқлари энг кўп ривож топди.

Социалистик саноатнинг ғоят юксалганлиги, унинг ривожида структура силжишлари рўй берганлиги армиямиз билан флотимизни энг мукаммал ҳарбий техника — ядро қуроли, турли вазифаларни бажарувчи ракеталар, овоздан тез учадиган самолётлар, янги танклар, атом сув ости кемалари ва курашнинг бошқа кўпгина замонавий воситалари билан таъминлаш имконини берди.

Совет Армияси билан Ҳарбий Денгиз Флоти ўзининг техникавий қуроллари ва жанговар имкониятларига кўра 1939 йилдагидан анча фарқ қилади.

Масалан, ҳозирги замон мотоўқчи дивизияси 1939 йилги дивизияга нисбатан танклар жиҳатидан 16 баравар, бронетранспортерлар ва бронемашиналар жиҳатидан 37 баравар, автомат қуроллар жиҳатидан 13 баравар, радиоалоқа воситалари жиҳатидан 5 баравар устун туради ва ана шу техниканинг сифати жиҳатидан унинг устунлиги беқиёсдир.

Дивизиянинг техника билан қуролланганлигини ўстириш унинг жанговар имкониятларини анча оширди. Чунончи, 1939 йилда бир дивизиядаги артиллерия ва миномётларнинг бир йўла отадиган снаряд ва миналарнинг вазни 1700 килограмм бўлган бўлса, ҳозирги замон дивизиясининг бир йўла отган снаряди вазни 53.000 килограммга тенг. Бунда ядро қуроли ҳисобга олинмаган. Унинг қудрати эса бир неча юз баравар кўпдир. Дивизиянинг энергия билан қуролланиши қуйидагичадир: 1939 йилда моторлар қуввати бир кишига ҳисоблаганда 3 от кучига баравар эди, ҳозирги вақтда эса моторларнинг қуввати бир кишига 30 от кучидан кўп тўғри келади.

Қўшинларнинг ҳар бир турида, қуролли Кучларнинг ҳар бир хилида ҳам аҳвол шундай.

Шу йиллар ичида ҳарбий авиация ривож топиб, поршенли двигателлар ўрнатилган самолётлар ўрнига соатига 2.5—3 минг километр тезлик билан учадиган замонавий реактив машиналар пайдо бўлди. Реактив самолётдан бир йўла ташланадиган бомбалар қуввати 1939 йилги даврдаги самолётларнинг имкониятидан беш баравар ошиб кетди.

Депутат ўртоқлар, шу юксак минбарда туриб, Армия ва Флотнинг бутун шахсий состави номидан партия ва ҳукуматга мамлакатнинг Қуролли Кучлари тўғрисида қилинаётган доимий ғамхўрлик учун чуқур ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Ишчилар, олимлар, инженерлар, техниклар — бутун совет халқи бизга мана шундай даҳшатли қуролни бериб қўйганлик учун уларга ўз ташаккуримизни билдирамиз ва совет кишилари, агар лозим бўлиб қолса, бу қуролдан ўз Ватанини ҳимоя қилмоқ учун моҳирлик билан фойдаланади, деб ишонтирамиз.

Ўртоқлар! Бизнинг мамлакатимизда амалга оширилган чуқур социал ўзгаришлар ҳам Қуролли Кучларга, уларнинг жанговар қувватига катта таъсир ўтказди ва ўтказиб келмоқда.

Социализм совет кишиларининг маънавий ҳаётини бениҳоя юксакликка кўтарди ва бойитди.

Одамларнинг маданияти, илмини ошириш соҳасида ўтган вақт ичида анча олдинга силжидик. 1939 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, бизнинг мамлакатимизда 9 ёшдан 49 ёшгача бўлган аҳолининг 12,6 проценти саводсиз эди. Ҳозирда Совет Иттифоқи ёппасига саводхон мамлакатдир. Тўла ва тўлиқсиз ўрта ва олий маълумотли кишилар сони анча кўпайди. Ҳар бир минг кишига ҳисоблаганда бундай кишилар сони 1939 йилдан 1967 йилгача бўлган давр ичида 83 кишидан 360 кишига етди, яъни қарийб тўрт ярим баравар кўпайди.

Совет кишиларининг билим даражаси ошиб борганлиги натижасида Қуролли Кучларнинг шахсий составида катта ўзгаришлар рўй берди. Баъзи маълумотларни айтиб ўтаман.

1939 йилда Армия ва Флотнинг кадрлари орасида олий ва ўрта маълумотли ҳарбий хизматчилар қарийб 12 процентни, тўлиқсиз ўрта маълумотли ҳарбий хизматчилар 27,5 процентни, бошланғич маълумотли ҳарбий хизматчилар тахминан 60,5 процентни ташкил қилар эди. Ҳозирги вақтда Қуролли Кучларнинг шахсий состави орасида олий ва ўрта маълумотли кишилар қарийб тўрт баравар кўпайиб, бутун шахсий составнинг 46 процентга яқинини ташкил қилади.

Тўлиқсиз ўрта маълумотли ҳарбий хизматчилар икки баравар кўпайди, яъни 54 процентга етди, бошланғич маълумотга эга бўлган кишилар эса бир неча ўн баравар камайди ва ҳозир салкам бир процентни ташкил қилади.

Офицерлар составини олиб қарасак, уларнинг маълумот даражаси тағин ҳам кўпроқ ошди. Ҳозир совет офицерлари орасида ҳар тўрт кишидан бири олий ҳарбий маълумотга ёки бошқа махсус олий маълумотга эга. Инженер-техниклар составининг салмоғи 1945 йилдагига нисбатан уч баравардан зиёдроқ кўпайди.

Армия ва флот коммунистлари ва комсомолларининг сафлари анчагина ўсди Армия ва Флотда 1939 йилда КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлари ўн бир ярим процент, комсомоллар 41 процент эди. Ҳозир Армия ва Флотнинг шахсий составида коммунистлар йигирма икки процентни ва комсомоллар 60 процентдан кўпроқни ташкил қилади.

Мамлакатимизда, Армияда ва Флотда жуда катта ўзгаришлар рўй берганлиги, Ватанни қуролли ҳимоя қилиш учун одамларни тайёрлашга нисбатан қўйилаётган талаблар ошганлиги натижасида умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида ҳозир амалда бўлган қонуннинг бир қанча моддаларини қайта кўриб чиқиш зарур бўлиб қолди. Қонуннинг ҳамма моддаларини социалистик Ватанни ҳимоя қилишни ташкил этиш борасида партия томонидан қўйилаётган ҳозирги талабларга тўла равишда мувофиқлаштириш мутлақо зарур ва етилган вазифа бўлиб қолди.

Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонун лойиҳаси СССР гражданларининг фахрли бурчини бажариш тартибига бир қанча принципиал янги қоидалар киритади. Бунда гап солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналар учун ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатларини қисқартириш; ҳамма гражданлар учун бир хилда бўлган чақириқ ёшини белгилаш; ҳар йил бир марта ўрнига икки марта чақириқ ўтказиш; чақириқ ёшидаги гражданларни чақириқдан қолдириб туриш муддатини қисқартириш; ёшларга бошланғич ҳарбий таълим беришни жорий қилиш ва шулар каби муҳим масалалар устида бораётир.

Қонун лойиҳасининг асосий қоидаларига қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Қонун лойиҳаси СССР конституциясининг 132-моддасида қўйилган талабларга тўла равишда асосланади. Конституциянинг шу моддасида бундай дейилади: «Умумий ҳарбий хизмат қонундир. СССР Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизмат қилиш СССР гражданларининг шарафли вазифасидир». Шунга асосланиб, СССР граждани бўлган эркакларнинг ҳаммаси қайси ирқ ва миллатга, қайси динга мансуб бўлиши, маълумоти, социал ва мулкий аҳволидан қатъий назар ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтиши лозим қилиб қўйилади.

Қонун лойиҳасида медицина маълумотига ва бошқа махсус тайёргарликка эга бўлган хотин-қизлар ҳам ҳарбий бурчни адо этишлари лозимлиги кўзда тутилади. Тинч вақтда улар ҳарбий ҳисобга олиб қўйилишлари, машқ сборларига чақирилишлари, шунингдек 19 ёшдан 40 ёшгача бўлган шундай хотин-қизлар ихтиёрий равишда ҳақиқий ҳарбий хизматга қабул қилинишлари мумкин.

**Солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналар учун ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатларини ўзгартириш тўғрисида.** Хизмат муддатлари қисқартирилганлиги қонунга киритилаётган энг муҳим ўзгаришларнинг биридир. Бу ўзгариш СССР гражданларининг ҳарбий мажбуриятни бажаришлари билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларга ҳам бевосита алоқадордир.

Ҳақиқий ҳарбий хизматнинг 1939 йилги қонунда белгиланган муддатлари бир қанча сабабларга кўра, бир неча марта ўзгартирилди. Чунончи 1950 йилда қуруқликдаги қўшинларнинг ва ички қўшинларнинг оддий состави учун хизмат муддати икки йил ўрнига уч йил қилиб белгиланди. 1955 йилда ҳарбий ҳаво кучларининг соҳил мудофааси қисмларининг ва чегара қўшинлари кемаларининг сержантлари ва солдатлари учун ҳарбий хизмат муддати қисқартирилиб, 4 йилдан 3 йилга келтирилди. Ҳарбий Денгиз Флотининг старшиналари ва матрослари учун эса 5 йилдан 4 йилга келтирилди. Ҳозирги вақтда Ҳарбий Денгиз Флотининг матрослари ва старшиналари 4 йил, қуролли кучлардаги қолган солдатлар ва сержантларнинг ҳаммаси 3 йил хизмат қилмоқда. Бундан ташқари олий маълумотли кишилар учун 1965 йилда ҳарбий хизмат муддати бир йиллик қилиб белгиланди.

Совет ёшларининг умумий маълумот ва техника билими даражаси анча ўсганлиги, маънавий ва жисмоний тайёргарлиги юксак даражага етганлиги ҳарбий ихтисосни, қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қисқароқ муддатда эгаллаб олишларига имкон беради.

Шу муносабат билан ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини бир йил қисқартириб, қуйидаги муддатларни белгилаш кўзда тутилади:

— Совет Армиясининг, Ҳарбий Денгиз Флоти, авиациясининг чегара қўшинларининг ва ички қўшинларнинг солдатлари, сержантлари ва старшиналари учун 2 йил.

— Ҳарбий Денгиз Флоти кемаларининг қисмлари кемаларининг ва соҳил қисмларининг ҳамда чегара қўшинлари, денгиз қисмлари қўшинларининг матрослари ва старшиналари учун — 3 йил.

Олий маълумотли кишилар учун хизмат муддатининг бир йил бўлишини сақлаб қолиш таклиф қилинади, чунки улар олий маълумотга эга бўлганлиги сабабли шу муддат ичида ҳарбий ишни эгаллаб олишлари ва запасдаги офицер унвонини олмоқ учун имтиҳонлар топширишга тайёрланишлари мумкин.

**Чақириқ ёши тўғрисида.** Амалдаги қонунга кўра, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириқ йилида ўн тўққиз ёшга тўлган гражданлар чақирилади, ўрта мактабни ва ўрта мактабга тўғри келадиган ўқув юртларини тамомлаган кишилар эса ўн саккиз ёшда чақирилади. Ҳақиқатда бизда чақириқ ёши иккита — 19 ва 18 ёшдан иборат бўлиб қолган. Қирқинчи йилларда ўрта мактабларни ёшларнинг озчилик қисми тамомлаётганлиги сабабли бунинг учун асослар бор эди, аммо ҳозирги вақтда аҳвол ўзгариб кетди. Яна бунинг устига ёшларимизнинг ҳаммаси ўрта маълумотли бўлиб қоладиган вақт ҳам яқинлашиб қолди. Бу ҳол чақириқ ёшини битта — 18 ёш қилиб белгилаш заруриятини туғдирмоқда, чунки йигитларимизнинг катта кўпчилиги ўрта мактабни мана шу ёшда тамомлаяпти ва уларнинг жисмоний ривожланиши ҳарбий хизмат мажбуриятини муваффақиятли бажаришларига имкон беради.

Чақириқ ёшини камайтириб 19 ёшдан 18 ёшга келтириш мумкинлигини ёшларни ҳарбий билим юртларида ўқиш учун қабул қилиш практикаси исботламоқда. Кўп йиллар мобайнида ҳарбий билим юртларига 18 ёшга етган йигитлар қабул қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳарбий ишни муваффақиятли равишда эгалламоқда ва ҳарбий билим юртларини тамомлаб чиққанларидан кейин қуролли кучларда кўп йиллар давомида офицерлик лавозимларида хизмат қилмоқда.

Шу маълумотларга асосланиб ва ҳарбий хизматга чақириладиган ёшларнинг саломатлиги яхши бўлиб қолганлигини ҳисобга олиб қонун лойиҳасида ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириқ кунигача 18 ёшга тўлган йигитлар чақирилади, деб белгилаб қўйиш кўзда тутилади.

Улар ҳарбий хизматни 20 ёшда тамомлаб ҳамда армияда таълим ва тарбия мактабини ўтиб, илм олишни давом эттирмоқ, ишга жойлашмоқ ва шахсий турмуш қурмоғи учун анча қулай шароитга эга бўлиб қоладилар.

Бемалол айтиш мумкинки, солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналар учун ҳарбий хизмат муддатлари бир йил қисқартирилганлигини, шунингдек чақириқ ёши 18 қилиб белгиланганлигини халқимиз маъқуллаб кутиб олажак.

**Чақириқни ўтказиш муддатлари тўғрисида.** Амалдаги қонунга кўра, гражданларни ҳақиқий хизматга асосий чақириш ноябрь-декабрь ойида ўтказилади. Олис районларда турган ва чет мамлакатларда турган қисмлар учун чақириш июнь ва сентябрь ойларида ўтказилади. Ҳамма ҳарбий хизматчилар учун эса хизмат муддати чақириқ йилидан кейин келадиган биринчи январдан ҳисобланади. Чақириқнинг ва хизмат муддатларини ҳисоблашнинг бундай тартиби натижасида кўпгина ҳарбий хизматчиларнинг ҳақиқатда қонунда белгиланганига қараганда кўпроқ вақт хизмат қилишларига тўғри келмоқда.

Қонун лойиҳасида гражданларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришни баббаравар қисмларга бўлиб, бир йилда икки марта: май-июнда ва ноябрь-декабрда ўтказиш кўзда тутилади. Қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида бу масаланинг ҳамма томони синчиклаб ўрганиб чиқилди ва ҳарбий хизматга чақиришнинг бундай тартиби қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини лозим бўлган даражада сақлаб туриш учун хийла қулай шароит вужудга келтириши аниқланди. Бундан ташқари чақириқнинг мана шу муддатларда ўтказилиши қишлоқ хўжалигимизнинг манфаатларини ҳисобга олади, чунки, кўкламги дала ишлари ҳамма жойда май-июнь ойларига келиб тугайди, ҳосилни йиғиб-териб олиш эса ноябрь-декабрь ойларига келиб тугалланади.

Ҳарбий хизматчиларни запасга бўшатиш шунга яраша худди ўша муддатларда, яъни йилига икки марта ўтказилади. Қуролли кучлардан май-июнь ойларида бўшатилган кишилар қишлоқ хўжалик ишларини энг долзарб пайти келган даврда актив меҳнат ҳаётига киришиб кетишлари ёки ўқув юртларига кириб олишга тайёргарлик кўришлари мумкин бўлиб қолади.

Чақириқнинг янги тартиби жорий қилиниши муносабати билан ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатларини янгича ҳисоблаш тартибини ўрнатиш ҳам кўзда тутилади. Йилнинг биринчи ярмида (май-июнда) чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддати 1 июлдан, ноябрь-декабрда чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддати эса чақириқ йилидан сўнг келадиган биринчи январдан ҳисобланади. Бундай тартиб чақириқ муддати билан ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ҳисоблашнинг бошланиши ўртасидаги мавжуд узилишни йўқотади.

**Ёшларни СССР қуролли кучларида хизмат қилишга тайёрлаш тўғрисида.** Мамлакат мудофааси манфаатлари ҳамда армия ва флотни энг янги техника ва яроғ-аслаҳалар билан қуроллантиришда рўй берган ўзгаришлар ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларга кўпроқ эътибор беришни, уларни социалистик ватанни ҳимоя қилишга чинакам тайёрлашни талаб қилади.

Ўрта мактабларда ва ўрта мактабларга тўғри келадиган ўқув юртларида бешинчи синфдан бошлаб ёшларни бошланғич ва чақириққача ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида 1939 йил қонунида белгиланган тартиб Улуғ Ватан урушидан кейин бир қанча сабабларга кўра, бекор қилиб юборилди. Ваҳолонки, жангчиларга нисбатан қўйилаётган талаблар ошиб кетганлиги ва ҳарбий хизмат муддатлари қисқарганлиги ёшларни ҳарбий хизматга чақирмасдан олдинроқ қуролли кучларда хизмат қилишга тайёрлашни зарур вазифа қилиб қўймоқда. Шу сабабли қонун лойиҳасида ёшлар учун бошланғич ҳарбий тайёргарлик системасини белгилаш кўзда тутилади. Бу тайёргарлик ёши чақириққа етмаган ва чақириқ ёшидаги ёшларнинг ҳаммаси билан ишлаб чиқаришдан ва ўқишдан ажралмаган ҳолда ҳамма жойда мажбурий планли тартибда ўтказилиши лозим.

Ёши чақириққа етмаган ва чақириқ ёшидаги йигитлар билан бошланғич ҳарбий тайёргарлик ишларининг ўтказилиши ёшларимизни интизомлилик, уюшқоқлик руҳида тарбиялайди ва уларга зарур бошланғич ҳарбий билимларни беради. Мана шуларнинг ҳаммаси қуролли кучларга чақирилган йигитларнинг замонавий қуролни ва жанговар техникани тезроқ эгаллаб олишлари, мукаммал жангчилар бўлиб қолишлари учун шароит яратиб беради.

Ўқувчи ёшлар билан бошланғич ҳарбий тайёргарликни ўрта умумий таълим мактабларидаги штатли ҳарбий раҳбарларнинг кучи билан 9-синфдан бошлаб ўтказиш, махсус ўрта ўқув юртларида, шунингдек ҳунар-техника таълими системасининг ўқув юртларида ўтказиш кўзда тутилади.

Кундузги (қатнаб ўқийдиган) ўқув юртларида ўқимаётган йигитлар бошланғич ҳарбий тайёргарликни корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ва колхозларда очиладиган машқ пунктларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўтадилар.

Қўшинларнинг доимий жанговар тайёр бўлиб туриш манфаатлари ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, бошланғич ҳарбий ўқишни жорий қилиш билан бир қаторда, армия ва флот учун ҳарбий хизматга чақириладиган ёшлардан бир қанча мутахассислар тайёрлашни зарур иш қилиб қўймоқда. Шу муносабат билан қонун лойиҳасида мазкур мутахассисларни ўн етти ёшга етган йигитлардан ДОСААФнинг ўқув ташкилотларида ва ҳунар-техника таълими системасининг ўқув юртларида тайёрлаш кўзда тутилади. Қанча мутахассис тайёрлаш кераклигини СССР Министрлар Совети белгилаб беради.

СССР қуролли кучлари учун керакли мутахассисларни шаҳарларда ишлаб чиқаришдан ажратилмаган ҳолда тайёрлаш мўлжалланади. Ўқитилаётган йигитларга имтиҳон топшириш даврида асосий ишлаб турган жойидан олаётган ўрта иш ҳақини сақлаган ҳолда 5-7 иш кунидан иборат отпуска бериш кўзда тутилади. Қишлоқ районларида мазкур мутахассислар куз-қиш даврида тўпланиб, ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда тайёрланиши мумкин. Бундай районларнинг рўйхатини областларга бўлинмаган иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, автоном республикаларнинг министрлар Советлари ҳамда меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари белгилаб беради.

Ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда ўқитилаётган чақирилувчиларнинг иш жойларини, ишғол қилиб турган лавозимларини ўзларига сақлаб қўйиш ва уларга ўртача иш ҳақининг 50 процентини тўлаш кўзда тутилади.

**Ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладиганларнинг ўқишни давом эттиришлари учун чақириқ муддатини кечиктириш тўғрисида.** 1939 йил қонунига кўра, олий ўқув юртларидаги студентларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириқ муддати кечиктирилмас эди. Кейин олий ўқув юртларидаги, жумладан кечки ва сиртқи олий ўқув юртларидаги ҳамма студентларга ўқишни давом эттиришлари учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан ҳарбий хизматга чақириқ муддати кечиктириладиган бўлди.

Қонун лойиҳасида фақат кундузги (қатнаб ўқийдиган) олий ўқув юртларидаги студентларнинггина ўқишни давом эттиришлари учун ҳарбий хизматга чақирув муддати кечиктирилади. Олий ўқув юртларининг студентларининг ҳарбий хизматга чақирилиш муддати кечиктирилмайди.

Бу — олий ўқув юртларида студентларнинг ўқишни давом эттиришлари учун ҳарбий хизматга чақирилиш муддатларини кечиктириш йўлида кўриладиган энг мақсадга мувофиқ чорадир, чунки кечки ва сиртқи олий ўқув юртларида ўқиш муддатлари кундузги олий ўқув юртларидагига қараганда кўпроқ давом этади ва ҳарбий тайёргарлик ўтказилмайди. Яна шуни ҳам ҳисобга олмоқ керакки, кечки ва сиртқи олий ўқув юртлари асосан катта ёшда бўлган, ўз вақтида кундузги (қатнаб ўқиладиган) олий ўқув юртларига кириш имконияти бўлмаган гражданлар учун ташкил этилган. Шу сабабли гражданлар Қуролли Кучлар сафида хизматни ўтаб бўлганларидан кейин кечки ва сиртқи олий ўқув юртларига кирсалар жуда тўғри иш қилган бўладилар.

Ўрта мактабни тамомламоқ учун армияга чақирилиш муддатини кечиктиришга келганда бу тартиб амалдаги қонунда кўзда тутилганидек қолаверади, яъни ўрта мактабда ўқиётганлар 20 ёшга етгунча ҳарбий хизматга чақирилмай турадилар. Аммо қонун лойиҳасида битта (умумий ёки махсус) ўрта маълумот олиш учунгина армияга чақирилиш муддатини кечиктириб туриш кўзда тутилади. Ўрта умумий таълим мактабини тамомлаганларидан кейин ўрта махсус ўқув юртига кирган йигитлар янги қонунга мувофиқ, мана шу ўқув юртларини тамомламоқ учун ҳарбий хизматга чақирилиш муддатининг кечиктирилиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин эмас. Ўрта маълумот олган ва ҳарбий хизматга чақириладиган ёшлар Қуролли Кучлар сафида ҳарбий бурчни бажармоқ учун ҳарбий хизматга ўз вақтида чақирилсинлар, деб шундай чора кўрилди.

**Оилавий аҳвол сабабли ҳарбий хизматга чақирилиш муддатининг кечиктирилиши тўғрисида.** Меҳнатга яроқсиз отасини ёки онасини икки ва ундан кўпроқ боласи билан хотинини, шунингдек 16 ёшгача бўлган туғишган ука ва сингилларини ўз меҳнати билан боқиб турган ва ҳарбий хизматга чақириладиган йигитларнинг қарамоғидаги шу кишиларни боқишни ўз зиммасига оладиган бошқа кишилар ёки ташкилотлар бўлмаса, бундай чақирилувчилар 1939 йил қонунига кўра, оилавий аҳволлари сабабли имтиёз оладилар ёки ҳарбий хизматга чақирилмайдилар.

Амалдаги шу қоидага қўшимча қилиб, қонун лойиҳасида 8 ёшгача бўлган икки ва ундан кўпроқ болали меҳнатга яроқсиз ёлғиз онани ўз меҳнати билан боқиб турган чақирилувчиларнинг ҳам, башарти мазкур онанинг меҳнатга яроқли бошқа болалари бўлмаса, оилавий аҳволи сабабли ҳарбий хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш кўзда тутилади.

Ота-онаси ўлиб қолганлиги сабабли ўн йил ва ундан кўпроқ бошқа кишиларнинг қарамоғида турган чақирилувчиларнинг ҳарбий хизматга чақирилиш муддати ҳам, башарти ўша кишилар меҳнатга яроқсиз бўлса, кечиктирилади.

Шундай қилиб, ҳарбий хизматга чақирилиш муддати оилавий аҳвол сабабли кечиктирилиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар доираси кенгаяди.

**Чақириқ ёшининг чеки тўғрисида.** Амалдаги қонунда чақириқ ёшининг чеки белгиланмаган. Мазкур қонунда, ҳарбий хизматни бажариши мажбур бўлган кишилар запасга ўтказилган пайтдан бошлаб, беш йил муддат ичида ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин, дейилган холос.

Янги қонун бу қоидани анча аниқ белгилаб беради ва, ҳарбий хизматга чақириш муддати кечиктирилган ва бошқа сабабларга кўра ҳақиқий ҳарбий хизматга белгиланган муддатларда чақирилмай қолган кишилар 27 ёшга етгунларича Қуролли Кучлар сафига чақирилишлари мумкин, деб белгилаб қўяди. Бу эса СССРнинг барча гражданлари ҳарбий бурчни бажаришлари учун хийла қулай шароит яратиб беради.

**Офицерлар составининг ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида.** Ҳарбий қурилиш соҳасида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати коммунизм ишига садоқатли ва қўшинларга моҳирлик билан раҳбарлик қилишга лаёқатли ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Янги қонун лойиҳаси офицерлар составининг ҳарбий хизматни ўташи борасидаги мавжуд тартибни асосан сақлаб қолади. Айрим масалалар бўйича киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчалар Қуролли Кучларни ҳозирги босқичда ривожлантириш талабларига мос бўлиб тушади ва офицер кадрлар билан ишлашни яхшилаш вазифаларини ҳал қилишни таъминлайди.

Кўп йиллик практикага асосланиб туриб, младший лейтенантлар ва лейтенантлар учун ҳақиқий ҳарбий хизматда туриш ёшининг чекини кўпайтириб, 30 ёшдан 40 ёшга етказиш старший лейтенантлар учун 35 ёшдан 40 ёшга етказиш, майорлар учун 40 ёшдан 45 ёшга етказиш ва полковниклар учун 45 ёшдан 50 ёшга етказиш кўзда тутилади.

Офицерларни нисбатан навқирон, ишга яроқли ёшда запасга чиқарилишини қисқартириш учун шу чора кўрилди.

Запасдаги офицерларни Қуролли Кучлар сафига чақириш сингари муҳим масалани ҳам ҳал қилиш кўзда тутилади. Қуролли Кучларимиз гражданлик олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассисларга йил сайин муҳтож бўлиб турибди. Шу сабабли кейинги йилларда ҳукуматнинг қарорларига биноан, бундай мутахассислар офицерлик лавозимларида хизматни ўташ учун Қуролли Кучлар сафига чақирилмоқда. Бироқ, улар учун хизмат муддати белгилаб қўйилмаган.

Қонун лойиҳасида ҳақиқий ҳарбий хизматга тинч вақтда ёш мутахассисларни — запасдаги офицерларни икки-уч йил муддат билан чақириш шундан сўнг уларни халқ хўжалигига қайтариб юбориш кўзда тутилади. Ҳарбий хизматга қанча мутахассис чақирилишини СССР Министрлар Совети ҳам Қуролли Кучларнинг, ҳам халқ хўжалигининг манфаатларини назарда тутиб белгилаб беради.

Мазкур кишиларни ҳарбий хизматга чақириш уларнинг қонунда СССРнинг ҳамма гражданлари учун белгиланган тарзда ўз ҳарбий бурчларини бажаришларига имконият очиб беради ва офицерлик лавозимларида хизмат қилиб, зарур тажриба орттиришларига имкон беради бу эса мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ошириш учун катта аҳамиятга эга.

**Офицерлар, сержантлар, старшиналар, солдатлар ва матросларнинг запасда туриш муддатлари тўғрисида.** Офицерлар, сержантлар, старшиналар, солдатлар ва матросларнинг запасда туришлари учун амалдаги қонунда белгиланган муддатларни, олий офицерлар составининг баъзи категориялари мустасно қилингани ҳолда, янги қонунда ҳам сақлаб қолиш таклиф қилинади.

Ҳарбий хизматни бажаришга мажбур бўлган ва умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонунга биноан, ҳарбий ҳисобга олиб қўйилган хотин-қизларнинг запасда туриш муддатларини қисқартириш таклиф қилинади. Амалдаги қонунга кўра улар ҳам эркаклар каби маълум ёшга етгунча запасда туришлари лозим эди Ҳарбий хизматнинг қийинлигини ҳисобга олиб қонун лойиҳасида офицер хотин-қизлар учун запасда туриш ёшининг чеки 50 ёшгача қилиб, сержант ва солдат хотин-қизлар учун эса 40 ёшгача қилиб белгиланди.

**Ҳарбий хизматни бажариши лозим бўлганларнинг машқ сборларини ўташлари тўғрисида.** Янги қонун лойиҳаси ҳарбий хизматни бажариши мажбур бўлган кишиларнинг қўшинларда машқ сборларини ўташлари учун амалдаги тартибни асосан сақлаб қолади. Айни вақтда бутун запасда турган вақт ичида машқ сборларининг умумий муддатини қисқартириб, 36 ойдан 30 ойга келтириш ва биринчи категориядаги биринчи разрядга киритилган ва ҳарбий хизматни бажариши мажбур бўлган кишилар учун ҳарбий сборлар миқдорини камайтириб, олтитадан тўрттага келтириш, иккинчи категориядаги биринчи разрядга кирган ва ҳарбий хизматни бажаришга мажбур бўлган кишилар учун бу миқдорни тўққизтадан олтитага келтириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

**Ҳарбий хизматчиларнинг ва ҳарбий хизматни бажаришга мажбур бўлган кишиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида.** Янги қонун лойиҳасида ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматни бажариши мажбур бўлиб, машқ сборларига чақирилган кишилар тўла ҳуқуқларининг ҳаммасидан фойдаланишлари ва СССР Конституциясида кўзда тутилганидек совет гражданларининг барча бурчларини адо этишлари кўзда тутилади.

Муддатли ҳарбий хизматда бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматга чақирилмасдан олдин турган уй-жой майдонлари уларнинг ўзлари учун сақлаб қўйилади ва улар уй-жой майдони олиш навбатига ёзилганлар рўйхатидан ўчирилиши мумкин эмас.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, колхозларнинг ва ўқув юртларининг раҳбарлари зиммасига муддатли ва ўта муддатли ҳарбий хизматдан запасга бўшатилган ҳарбий хизматчиларга иш топиб беришни сўраб мурожаат қилган кунларидан бошлаб, бир ойдан кечиктирмай, шу кишиларнинг ихтисослари ва иш тажрибаларини ҳисобга олиб туриб, иш топиб бериш мажбурияти юкланади.

Ўқув юртларида ўқиб турган даврида ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган кишиларнинг запасга бўшатилганларидан кейин ҳарбий хизматга чақирилмасдан олдин ўзлари ўқиб турган ўқув юртида ва курсда ўқишни давом эттирмоқ учун ўша ўқув юртига ва ўша курсга қабул қилиниш ҳуқуқларини сақлаб қолиш кўзда тутилади.

Ҳарбий хизматни бажаришга мажбур бўлган ва машқ сборларига чақирилган кишиларга бериладиган моддий таъминот миқдори кўпайтирилади. Машқ сборларига чақирилган ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг эгаллаб турган лавозими сбор вақтида уларнинг ўзлари учун сақлаб қўйилади ва уларга ишлаб турган жойларида олиб келаётган ўртача иш ҳақларининг амалдаги қонунда кўзда тутилганидек 50 проценти эмас, балки 75 проценти тўлаб борилади.

* * *

Депутат ўртоқлар!

Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонун лойиҳаси совет халқининг манфаатларига тўла равишда жавоб беради ва социалистик Ватанни ҳимоя қилиш борасида Ленин васиятларини амалга ошириш тўғрисида партиямиз, унинг Марказий Комитети қилаётган ғамхўрликнинг янги далилидир. Давлат ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Совети тақдим этилган қонун лойиҳасини ижобий кўриб чиқиб тасдиқлайди, деб умид қиламиз.

Бу қонунни амалга ошириш давлат ва жамоат органлари, министрликлар ва идоралар зиммасига, шунингдек Қуролли Кучларнинг командирлари ва сиёсий ходимлари зиммасига катта вазифалар юклайди. Аввало, янги қонуннинг муҳимлигини ва унинг мазмунини бутун аҳолига, армия ва флот жангчиларига тушунтириб бериш керак.

Янги қонун ҳаммамизнинг зиммамизга ёшларни Қуролли Кучларда хизмат қилиш учун тайёрлаш соҳасидаги ишларга, меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни яхшилашга кўпроқ эътибор бериш вазифасини юклайди.

Бошланғич ҳарбий тайёргарлик жорий қилиниши муносабати билан кўп иш қилишимиз керак. Қисқа муддатлар ичида моддий базалар вужудга келтиришга, тегишли программаларни ишлаб чиқишга ва ўқитувчи кадрлар тайёрлашга тўғри келади.

Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги янги қонун қабул қилиниши билан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар, ўқув юртлари раҳбарларининг чақириқ ёшига етмаган ва чақириқ ёшидаги йигитларнинг ҳаммаси ҳақиқий ҳарбий хизматга яхши тайёрланиши учун бўлган масъулиятлари ошади.

Хизмат муддатлари қисқартирилганлиги сабабли ДОСААФ ўқув ташкилотларининг, техникумларнинг ва ҳунар-техника таълими билим юртларининг Қуролли Кучлар учун мутахассислар тайёрлаш борасидаги роли ошади. Ёш солдатни сафга киритиш муддатлари, унинг мураккаб жанговар техникани эгаллаб олиши мана шу тайёргарликнинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Қонун лойиҳасида меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг гражданларни рўйхатга олиш ва ҳарбий хизматга чақириш ишларини ўтказишдаги вазифалари хийла аниқ белгилаб берилди. Маълумки, гражданларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш маҳаллий ҳарбий ва гражданлик органлари зиммасига юклатилган. Шу муносабат билан янги қонунда, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари гражданларнинг рўйхатдан ўтишга ва чақириққа келишларини таъминлаш чораларини кўришлари, шу иш ўтказиладиган вақт учун жиҳозланган биноларни бериб қўйишлари, врачларни ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ажратиб беришлари, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилганларни тантанали кузатиб қўйишни ташкил этишлари, уларнинг оилалари тўғрисида зарур ғамхўрлик қилишлари лозимлиги белгилаб қўйилди.

Халқимиз ўзининг Қуролли Кучларини бениҳоя иззат ва ҳурмат қилади. Халқимиз Қуролли Кучларни севиб, уларга Ватан қалқони, деб ном берди. Халқ билан армиянинг бирлиги, ленинчи партиянинг доно раҳбарлиги Совет давлатининг енгилмас кучидир.

Янги қонунни барча совет кишилари маъқуллаб, кутиб оладилар, бунга ҳеч бир шак-шубҳа қилмаймиз.

Депутат ўртоқлар!

Шонли юбилейга — Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бир ойдан камроқ вақт қолди. Совет халқи бу улуғ воқеани кутиб олишга ўзининг бутун куч ва ғайратини Улуғ Ватанимизни янада равнақ топтириш ишига сарфлашга маҳкам бел боғлаб, тайёргарлик кўрмоқда. Совет халқи мамлакатнинг мудофаа қобилиятини, Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш тўғрисида бундан буён ҳам тинмай ғамхўрлик қилаверади. Мустаҳкамланиб бораётган, юксак даражага етказилган ҳарбий қудратгина агрессорларнинг урушқоқлик жазавасини босиб қўя олади ва мамлакатимизни бўлиши мумкин бўлган тасодифлардан гарантиялай олади.

Совет Иттифоқининг Қуролли Кучлари ҳамиша Октябрь ғалабаларининг посбони бўлиб келди. Эндиликда Армия ва Флотнинг шахсий состави қийин ҳарбий меҳнат қилишни давом эттириб, Ватан буйруғини шараф билан бажаришга ҳар он шай бўлиб турмоқ учун жанговар маҳоратни кундан-кунга такомиллаштирмоқда. Яқинда бўлиб ўтган катта ҳарбий машқлар армиямизнинг халқимизга, Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига берган ҳисоботи бўлди, шу ҳарбий машқларда солдатлар, сержантлар, офицерлар ва генераллар ўзларининг юксак маънавий руҳларини, ўз вазифаларини чуқур тушунганликларини кўрсатдилар ва ўзларининг ҳарбий бурчларини шараф билан бажаришга тайёр эканликларини намойиш қилдилар.

Сизларни, сизлар орқали эса бутун совет халқини ишонтириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, депутат ўртоқлар, бизнинг армиямиз ва флотимиз совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнатини, коммунизм буюк ишини бундан буён ҳам маҳкам туриб қўриқлайверадилар.

